

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/Ss/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА НАРГИЗА МУХТАРОВНА

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари

СИЁСИЙ ФАҲЛЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефератат диссертации доктора философии (PhD)
по политическим наукам**

**Content of the Dissertation of Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Political Science**

Ниязова Наргиза Мухтаровна

Халқаро муносабатлар тизимида гендер тенгликни таъминлаш
масаласи..... 3

Ниязова Наргиза Мухтаровна

Проблема обеспечения гендерного равенства в системе международных
отношений..... 25

Niyazova Nargiza Mukhtarovna

Problem of ensuring gender equality in the international relations
system.....47

Эълон қилинган ишларн рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/Ss/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА НАРГИЗА МУХТАРОВНА

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари

СИЁСИЙ ФАҲЛЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Ss17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Султанова Эътибор Сиддиқовна сиёсий фанлар доктори
Расмий оппонентлар:	Адилходжаева Сурайё Маҳкамовна юримдик фанлар доктори, профессор Алимов Равшан Мирзамуродович сиёсий фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tag/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (+998 71) 267-67-69, факс: (998 71) 267-09-00; e-mail: rectorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998 71) 267-67-69).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Хамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Д.Ш.Умарханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар доктори

Қ.А.Жураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси сиёсий фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида халқаро муносабатлар тизимида эркак ва аёллар мавқеига нисбатан ўзига хос, анъанани рад этадиган назарий ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Эндиликда амалиётда намоён бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар туфайли “сиёсат – эркакларга, оила ва фарзандлар эса – аёллар учун” каби стереотиплар долзарблигини йўқотиб бормоқда. Инсоният олдида турган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалалар, тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш муаммолари ҳаммага тенг тааллуқли. Бу масалада аёллар эркаклар сингари бирдек дахлдор эканлиги жаҳон майдонида тан олинди. Бугунги кунда гендер тенглиги масаласи барқарор ривожланишнинг ажралмас қисми деб ҳисобланмоқда. Табиийки, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибида гендер тенглиги масаласи 5-мақсад доирасида акс эттирилган ва унда "Гендер тенглиги нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқи, балки тинч ва барқарор ҳаётнинг ҳам зарур шартидир" деб таъкидланган.

Дунёда гендер мувозанати масаласи барқарор ижтимоий ривожланишнинг муҳим шarti деб тан олинishi ўз навбатида мазкур мавзу юзасидан илмий тадқиқотларнинг устувор амалга оширилишини талаб этмоқда. Бу борада халқаро муносабатлар тизимида гендер тенглигини ҳамда уни жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига интеграциялашувини таъминлаш, гендер масалаларига оид халқаро институтлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қўплаб халқаро ҳужжатларга қўшилиб, халқаро ҳуқуқ устунлигини эътироф этган ҳолда, гендер тенглиги масаласига доир давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва эркинлик тамойилларини амалга оширишга, Конституция ва унга таянган норматив-ҳуқуқий асосга мувофиқ аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни яратишга қаратилган. “Халқ розилиги аввало, муҳтарама оналар, хотин-қизларнинг розилиги билан боғлиқлиги, уларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли яшашини таъминлаш барча ислохотларнинг асосий мақсади ва мезони...”¹. Шу нуқтаи назардан, гендер тенгликни таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб бориш, эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада ҳуқуқларини тенглаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон "Хотин-

¹ Шавкат Мирзиёев хотин-қизларни байрам билан табриклади// <https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/07/prezident-tabrik/> 7 март 2019, 19:09

қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбир-корлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро муносабатлар тизимида аёллар сиёсий иштироки масаласи гендер ёндашуви нуқтаи назаридан мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам сиёсатшунослик, фалсафа ва тарих фанларининг етарли даражада махсус илмий тадқиқот объекти бўлмаган. Бугунга қадар диссертация мавзусининг айрим жиҳатларига бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд.

Хорижий муаллифларнинг ушбу мавзу бўйича ишларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – З. Айзенштейн, С. Бовуар, В. Брайсон, Р.Хоф, Б. Хукс, С. Уест, Д. Циммерманн каби бир гуруҳ олимлар ишларида гендер тадқиқотларининг назарий ва услубий асослари ўз аксини топган². Демократик мамлакатларнинг позитив дискриминация³ стратегиялари ҳамда уларнинг аёллар сиёсий вакилликка таъсири П.Норрис ва Ж. Ловендуски⁴ томонидан таҳлил этилган. Р. Мозер томонида эса сайлов тизимларининг аёллар вакилликка таъсири ўрганилган⁵. Сиёсий тенгликни миллий даражада илгари суришнинг илғор модели сифатида Скандинавия мамлакатларининг тажрибасини ўрганишга бағишланган тадқиқот натижалари Яннеке ван дер Рос, Ф.Гардинер ва С.Салмениеме каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган⁶.

²Eisentstein Z. Feminism and sexual equality. – New York: Monthly review press, 1984; Брайсон В. Политическая теория феминизма / Пер. с англ. – М., 2001; Хоф Р. Возникновение и развитие гендерных исследований // Пол, гендер, культура / Под ред. Э. Шойе и К. Хайдер. – М.: РГГУ, 1999; Hooks В. Feminist theory: from margin to center. – Boston: South end press, 1984; Уэст К.,Циммерман Д. Создание гендера: Пер. сангл. Е. Здравомысловой // Гендерные тетради: Труды Санкт-Петербургского филиала Института социологии РАН. Вып. 1. – СПб., 1997. – С. 94-120.

³ Позитив дискриминация -(ингл. affirmative action) – аҳолининг турли гуруҳлари вакилларини лавозими, маълумот даражаси, даромади бўйича статистик жиҳатдан тенглаштириш учун қўлланиладиган муайян гуруҳга устунлик ёки имтиёзлар бериш чораларидир.... // Қаранг: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Позитивная дискриминация](https://ru.wikipedia.org/wiki/Позитивная_дискриминация)

⁴ Norris P., Lovenduski, J. Gender and Party Politics. – London: Sage, 1993; Norris P. Passages to power. Legislative recruitment in advanced democracies / Ed. by Norris P. – Cambridge University Press, 1997. – P. 1-14.

⁵Moser R. The Effects of Electoral Systems on Women's Representation in Post-Communist States // Electoral Studies. – 2001. – № 3. – Vol. 20. – P. 353-369.

⁶Яннеке ван дер Рос. Реализация политики равенства полов на местном уровне: опыт Норвегии // Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы / Под ред.Ф. Гардинер. – М.: Идея Пресс, 2000. – С. 205-208; Гардинер Ф, Лейенар М. «Робкие и решительные»: Анализ политики «государства, дружественного женщинам», в Ирландии и Нидерландах // Обеспечение равенства полов: политика стран

Гендер масаласини ўрганишга катта ҳисса қўшган МДХ мамлакатлари олимларининг ишлари тадқиқотларнинг иккинчи гуруҳини ташкил этади. Масалан, Е.А. Здравомыслова, Ю.В. Градскова, А.А. Темкина, С.А. Ушакин ва Н. Шведова томонидан гендер ёндашуви сиёсий маданиятнинг омили сифатида ўрганилган⁷. Аёлларнинг сиёсий иштироки масаласи О.А. Воронина, Е.В. Кудряшова, Н.Н. Кукаренко, Л. Попкова ва В.Фесенко ишларида ёритилган⁸. Ижтимоий тадқиқот материаллари асосида сайлов кампанияларининг таҳлиliga бағишланган алоҳида тадқиқотлар С.Г. Айвазова, Г.Кертман ва Н.А. Шведова ишларида учрайди⁹.

Учинчи гуруҳ тадқиқотлари гендер масалаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда сиёсий партиялар фаолиятида аёлларнинг иштироки, шунингдек, сиёсий партиялар томонидан парламентга аёлларнинг номзодлари кўрсатилиши масалалари диққат марказига олинган бўлиб, Г.Хасанова, Е. Кочкина ва бошқаларнинг асарларида учрайди¹⁰.

Тўртинчи гуруҳ тадқиқотлари – маҳаллий муаллифлар ишларидир. Б.А.Валиева ва И.А.Черкашиналарнинг ишлари Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларига бағишланган¹¹.

Профессор Г.А. Маткаримованинг докторлик диссертацияси ва мақолаларида ҳам гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилган¹². Тадқиқотчи Г.Раҳимова оилада гендер тенглигини таъминлашнинг турли жиҳатларини ўрганиб чиққан¹³, М.Эргашева

Западной Европы / Под ред.Ф. Гардинер. – М.: Идея Пресс, 2000; Women in Nordic Politics. – Dartmouth, 1995.

⁷Қаранг: Здравомыслова Е., Темкина А. Социальное конструирование гендера как феминистская теория // Женщина. Гендер. Культура. – М.: МЦГИ, 1999. – С. 46-65; Ушакин С. Политика гендера или о некоторых направлениях в российском феминизме. // WE/МЫ: Диалог женщин. – 1998. – № 6 (22). – С. 32-36; Шведова Н. Почему женщины должны идти в политику // WE/МЫ: Диалог женщин. – 1999. – № 9 (25). – С. 5-9.

⁸Қаранг: Градскова Ю. Женщина и политическая система советского государства // Женщина плюс. – 2000. – № 3; Кочкина Е.В., Воронина О.А. Гендерный подход в изучении политики и права // Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований» / Под ред. О.И. Ворониной. – М.: МЦГИ, 2001; Кудряшова Е.В., Кукаренко Н.Н. Политическое участие женщин в Архангельской области // Гендерная реконструкция политических систем. – СПб., 2004; Попкова Л. Политическое участие женщин и гендерная политика. Гендерные исследования в гуманитарных науках: современные подходы // Материалы научной конференции. Иваново, 15-16 сентября 2000 г. Часть II. – С. 112-117; Фесенко В. Динамика политического участия женщин: самоорганизация, политическое движение, вхождение во власть (1989-1999) // *Feminapostsovietica*. Украинская женщина в переходный период: от социальных движений к политике / Под ред. И. Жеребкиной. – Харьков: ХЦГИ, 1999. – С. 83-151.

⁹Қаранг: Айвазова С., Кертман Г. Мужчины и женщины на выборах. Гендерный анализ избирательных кампаний 1999 и 2000 г.г. в России. – М.: Издательство «Эслан», 2000; Шведова Н.А. Политическое участие и представленность женщин в США: последняя треть XX века // Гендерная реконструкция политических систем. – СПб.: Алетейя, 2004.

¹⁰Хасанова Г. Сравнительный анализ участия женщин в политических партиях мира // www.genderstudies.info/politol/3.php; Кочкина Е. Женщины в российских органах власти // Общественные науки и современность. – 1999. – № 1.- С. 178-183.

¹¹Валиева Б.С., Черкашина И.А. Правовые и социальные проблемы женщин в Узбекистане. – Т., 1996.

¹²Маткаримова Г. Международные и национально-правовые аспекты обеспечения гендерного равенства: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2002.

¹³Раҳимова Г. Равноправие в семье – требование времени // Демократизация и права человека. – Т., 2002. – № 3-4. – С. 43-46.

томонидан Марказий Осиёдаги аёллар муаммолари ўрганилган¹⁴ ва Ўзбекистоннинг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан Ўзбекистонда гендер назарияси ва амалиётининг турли жиҳатларига бағишланган дарслик тайёрланди¹⁵.

Гендер тенглиги масаласига сиёсий ёндашув профессор Э.С. Султанова томонидан тадқиқ этилган¹⁶. Профессор Э.С. Султанованинг фикрига кўра, давлат стратегиясида аёлга сиёсатнинг фаол субъекти сифатида қаралиши ҳуқуқий давлатни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида муҳим аҳамият касб этади ва бу глобал даражада амалга оширилиши лозим. Ўшандагина аёлларнинг барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолари ҳал бўлади.

Кенг манбашунослик базаси мавжудлигига қарамасдан, республикада ҳозирги пайтда халқаро муносабатлар тизимида гендер тенглигини таъминлашнинг муҳимлиги назарий ва амалий таҳлилга бағишланган илмий ишлар йўқ, бу эса тадқиқотнинг илмий ва амалий жиҳатдан долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 10 рақамли "Шарқ мамлакатларида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири", А-1-188 рақамли "Хорижий Шарқ ва Ғарб давлатлари ижтимоий-сиёсий ривожининг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича замонавий ўқув адабиётларини яратиш" (2015–2017 йй.) ва А-1-191 рақамли "Хорижий тиллардаги тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида Шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш" (2015–2017 йй.) мавзулардаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро муносабатлар тизимида ва миллий даражада гендер тенглиги масалалари бўйича назарий ва амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хотин-қизлар муаммоларини тадқиқ этиш хусусиятларини феминистик назариялар ва гендер концепциялар асосида ишлаб чиқиш;

¹⁴Эргашева М. Женщина Средней Азии на пороге третьего тысячелетия. – Т.: Ташкентский центр женщин лидеров, 1999.

¹⁵ Основы теории и практики гендера в Узбекистане: Учебное пособие. – Т.: ИООФСУ, 2004.

¹⁶Султанова Э.С. Аёл - давлатнинг ривожланиш стратегиясида (глобал муаммосифатида). Монография. 2005 й. 250 б.; Султанова Э.С. Давлат ва жамият бошқаруви ахотин-қизлар иштирокини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий омиллари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т., 2011, Б.169-173.; Замонавий ўзбек аёлида инсониятнинг бебаҳо маънавий бойлик негизлари. Шарқ аёли. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т., 2012, 3 март, Б.97-99.; Темурийлар сулоласидаги аёллар дипломатияси. "Бугунги Ўзбекистоннинг дипломатик ва халқаро муносабатларини ривожлантиришда Амир Темури меросининг аҳамияти" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т., 2018, Б.13-20.; Султанова Э.С. "Она ва болага ғамхўрлик – давлатнинг ижтимоий стратегиясидаги асосий йўналиш (Ўзбекистон тажрибаси мисолида). Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. Т., 2018, №3, Б.26-36.

давлатларнинг миллий сиёсатида ва халқаро даражада аёлларнинг сиёсий иштирокини кўриб чиқиш хусусиятларини аниқлаш;

гендер тенглиги масаласини БМТ томонидан 2015 йилда илгари сурилган Инсониятнинг барқарор ривожланиши концепцияси ҳамда унинг 17 та асосий мақсади нуқтаи назаридан асослаш;

аёлларнинг у ёки бу муаммолари билан шуғулланувчи миллий ва халқаро ихтисослашган ҳамда аёллар ташкилотлари фаолиятини ўрганиш, ҳамда гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларни камситиш ва уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича яратилган кўп қиррали халқаро шартномалар тизимини исботлаш;

миллий парламентлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда дунё ҳукуматларида аёлларнинг вакиллик даражасини баҳолаш ҳамда жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг сиёсий партияларида аёлларнинг вакилликка хос хусусиятларни аниқлаш;

Ўзбекистонда гендер тенглиги масаласига миллий менталитет ва кадриятлар каби омиллар таъсирини аниқлаш;

мавзу бўйича хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда позитив дискриминация усулларини сайлов жараёнида, квоталаш усулларини партиялар фаолиятида қўллаш ва бошқарув тизимида гендер тенгликка амал қилиш борасида назарий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқаро муносабатлар тизимида гендер тенгликни таъминлаш масалалари Скандинавия мамлакатлари, Европа иттифоқи давлатлари мисолида ва миллий даражада олинган.

Тадқиқотнинг предметини халқаро муносабатлар тизимидаги гендер тенглигини миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда таъминлаш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида институционал, тарихий, мантиқий, функционал, қиёсий-сиёсий, қиёсий-ҳуқуқий методлар ҳамда тизимли таҳлилнинг асосий методологик таркибий қисмлари бўлмиш синтез, умумлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

сиёсий институтларда аёллар вакилликка хос иш жараёнида натижанинг муҳимлиги, ижтимоий масалаларга алоҳида урғу бериш, эмпатия (бирга қайғуриш) ва мослашувчанлик каби хусусиятлар аниқланиб, уларнинг самарали давлат сиёсатини амалга оширишдаги ижобий таъсири баҳоланган;

гендер тенглигини таъминлаш бўйича миллий даражада хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш ва шундан келиб чиққан ҳолда мақсадли чора-тадбирларни ташкил этишни инобатган олиб "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қонунларни такомиллаштириш асосланган;

гендер тенгликни амалга ошириш бўйича миллий сиёсатимизнинг ижобий ривожланиш тенденцияси ва уни янада юксалтириш бўйича стратегик истиқболдан келиб чиққан ҳолда "Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилинишининг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

аёлнинг ижобий имиджини яратиш ва жамият ривожланишидаги унинг сиёсий ўрнини акс эттиришда аёлнинг давлат стратегиясини амалга оширишдаги сиёсий фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятини кенг жалб этиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

позитив дискриминация чоралари жорий этилишининг самарадорлигини исботловчи халқаро тажрибага кўра миллий даражада қарорлар қабул қилиш ва аёллар ваколатлари борасидаги гендер тенгсизликка чек қўйиш учун гендер тенгсизликни сезувчи сиёсатни амалга ошириш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқилган;

гендер тенгсизлигининг соғлиқни сақлаш, таълим олиш, меҳнат ва иш хақи олиш каби соҳалардаги асосий кўрсаткичлари ва уларнинг давлат фаровонлигига таъсири асослаб берилган;

БМТнинг Васийлик органи кенгаши ўрнига Инсон ҳуқуқлари кенгашини тузиш, бу кенгаш ичида, ўз навбатида, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенгликни муҳофаза этувчи ташкилотларни бирлаштирадиган Гендер тенглиги кенгашини тузиш зарурати ҳақида тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий ҳулоса, таклиф ва тавсиялар аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий тузулмаларда аёллар ваколатлиги масалаларини баҳолаш, мазкур йўналишдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда глобал ва миллий сиёсатда аёлларнинг иштирок этишида гендер тенгсизлиги муаммоларини таҳлиллар қилиш каби илмий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сиёсий сиёсатшунослик, жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар назарияси ва гендер сиёсати фанлари бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши, ишлаб чиқилган ҳулоса ва таклифлардан халқаро муносабатларда гендер тенглиги муаммоларини янада кенг қамровли назарий ривожлантириш учун асос бўлиши ва тақдим этилган таклифларнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида аёллар иштирокини фаоллаштириш бўйича миллий режани амалга оширишда қўлланилиши мумкинлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг тегишли идоралари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика “Оила” илмий-тадқиқот маркази дастурларида қўлланилиши ва тенг имкониятлар сиёсатини тарғиб қилувчи бошқа идораларнинг амалиётида ҳам ўз ўрнини топиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Халқаро муносабатлар тизимида гендер тенгликни таъминлаш масаласи буйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида:

Сиёсий институтларда аёллар вакилликка хос иш жараёнида натижанинг муҳимлиги, ижтимоий масалаларга алоҳида урғу бериш, эмпатия (бирга қайғуриш) ва мослашувчанлик каби хусусиятларини аниқланиб, уларнинг самарали давлат сиёсатини амалга оширишдаги ижобий таъсирини баҳолаш бўйича хулосалардан “Жаҳон сиёсати” таълим йўналиши талабалари учун яратилган “Сиёсатшуносликка кириш” номли ўқув кўлланмасида (257-279 б.) “Гендер муаммосининг келиб чиқиши ва ҳал этилиши” мавзусини ишлаб чиқишда (2018 й. гриф №434-161) ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Буюк Британия элчихонаси ва БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда “БМТ Қўмитасининг хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича тавсиялар” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатининг ахборот-таҳлилий материалларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йил 27 декабрдаги 13/1554-18-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш натижасида, биринчидан, мавзу бўйича ўқув адабиётлари сиёсий институтларда аёллар вакиллиги ва давлат сиёсатини амалга оширишдаги таъсирини баҳолашнинг услубий ёндашувлари билан бойитилган, иккинчидан эса мазкур масала бўйича ишлаб чиқилган хулосалар асосида “БМТ Қўмитасининг хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича тавсиялари” соҳага оид тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурати билан такомиллаштирилган;

гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йил 27 декабрдаги 13/1554-18-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши таъминланган;

гендер тенгликни амалга ошириш бўйича миллий сиёсатимизнинг ижобий ривожланиш тенденцияси ва уни янада юксалтириш бўйича

стратегик истиқболдан келиб чиққан ҳолда "Аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилинишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4235-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2018 йил 27 декабрдаги 13/1554-18-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида "Эркеклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси такомиллаштирилган;

аёлнинг ижобий имиджини яратиш ва жамият ривожланишида унинг сиёсий ўрнини акс эттириш ҳамда аёлнинг давлат стратегиясини амалга оширишдаги сиёсий фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятини кенг жалб этиш тўғрисидаги тавсиялар ахборот-таҳлилий материалларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2019 йил 14 январдаги 01/1597-сон маълумотномаси). Унинг натижасида 2019 йилнинг 11 мартда БМТнинг Хотин-қизлар ҳолати бўйича Комиссиясининг (КПЖ) 63-сессиясида маърузалар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 12 республика конференцияларида доклад шаклида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий мақола, шу жумладан 1 та монография чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, унинг объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ошқор этилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишларнинг натижалари ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот беради.

Диссертациянинг "Гендер тенглиги тушунчасининг моҳиятини аниқлаш соҳасидаги тадқиқотларнинг назарий ва услубий жиҳатлари" номли биринчи боби гендер тадқиқотларининг манбаларини ҳамда гендер тенглиги масалаларини давлатларнинг миллий сиёсатидан, шунингдек, халқаро даражадаги Барқарор ривожланиш концепциясидан келиб чиққан ҳолда ўрганишга бағишланган. Аёллар масаласи тадқиқ этилишининг эволюцияси феминистик назариянинг ривожланиши ва гендер концепциясига айланишидан тортиб муаммо давлатнинг стратегик вазифаси даражасида кўриб чиқилгунига қадар ўрганилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида диссертант гендер тадқиқотлар шаклланишининг асосини феминистик ҳаракат, сўнгра эса айрим феминистик ғояларнинг давоми деб ҳисобланиши лозим бўлган аёлларга оид тадқиқотлар ташкил этганини кўрсатиб ўтган. Инсоният тарихи давомида деярли барча ижтимоий институтлар, нормалар, қоидалар, кўрсатмаларда эркакларнинг устунлиги ва адроцентризм кузатилгани айнан аёллар тадқиқотлари доирасида аниқланган. Бинобарин, гендер тадқиқотларининг объектларини эркаклар ҳам, аёллар ҳам тенг даражада ташкил этган.

«Гендер» термини биологик (анатомик) жинс тушунчасини индивидлар ижтимоий стереотипларга мувофиқ эга бўлишлари лозим бўлган хислатлар ҳамда бажаришлари керак бўлган нормаларнинг ижтимоий-маданий мажмуидан фарқлаш учун киритилган. Шундай қилиб, назаримизда, аёллар ва эркакларнинг психологик хислатлари, хатти-ҳаракат моделлари, фаолият турлари, касбларини биологик жинс эмас, балки ижтимоий-маданий нормалар белгилайди.

Феминистик қарашлар ва гендер концепцияларнинг эволюцияси жараёнида кўплаб концепциялар ва назариялар илгари сурилган: улар XX - асрнинг 60-йилларидаги модернизм назариялардан (анъанавий фалсафа ва психоанализ соҳасидаги масалалар) ҳамда ижтимоий соҳага оид гендер роллари назариясидан бошлаб воқеликни ижтимоий қуриш назариясигача; феноменологиядан этнометодологиягача (кундалик фаолият социологиясигача); символик интеракционизмдан 70-йиллар драматургизмигача; «аёллар тарихи»дан «гендер тарихи»гача; жинсдан 80-йиллардаги «поли-»гача (постмодернизм, постструктурализм ва «фикрлар плюрализми»гача); «лингвистик бурилиш»дан 90-йиллардаги «визуал»гача (яъни вербалдан визуалгача) ҳамда ҳокимиятни тиклаш механизмлари ва гендер асимметрия муаммосигача; «ижтимоий онг» тадқиқотдан 2000-йиллардаги «ижтимоий онгсизликни» ўрганишгача бўлган турли-туман йўналишларни қамраб олган.

Эркак ва аёлларнинг тенглиги деганда ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларида иккала жинснинг тенг мавқега эгаллиги, мустақиллиги, масъулияти ва иштироки назарда тутилади, деган хулоса чиқарилган. Айрим биологик омилларга кўра аёллар ва эркаклар турмуш шароити бир-биридан фарқ қилади. Аммо гап ушбу фарқларнинг мавжудлигида эмас, балки улар аёллар ва эркакларнинг турмуш шароитига салбий таъсир қилмаслиги

лозимлигида, камситишга олиб келмаслиги, аксинча, тегишлича инобатга олинишида бўлиши керак, бу эса иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий имкониятларнинг тенг тақсимланишида ўз ифодасини топиши лозим.

Давлатларнинг глобал ва миллий сиёсатидаги гендер таркибий қисми, аёлларнинг дунёда ҳокимият тузилмаларига кириб боришидаги маданий ва психологик тўсиқлар, ижтимоий фикрда аёлларнинг сиёсий иштироки қабул қилиниши масалалари кўриб чиқилган. Гендер тадқиқотларда ҳозирги замон цивилизацияси инсониятнинг фақат бир ярмини, яъни эркакларни инобатга олувчи, аёлларни (хусусий ҳаётда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам) ўз ҳокимиятига бутунлай бўйсундирувчи патриархат қадриятлари негизига қурилганлиги аниқланди. Масалан, О. И. Воронинанинг таъкидлашича, «анъанавий сиёсий фан, шунингдек ҳуқуқда аёллар объект сифатида баҳоланган, бошқача айтганда, аёлларнинг сиёсий жараёнда иштирок этиши уларнинг табиатига зид ҳолат деб ҳисобланиб, улар сиёсатдан четлаштирилган»¹⁷.

Тадқиқотчилар аёллар сиёсий фаоллиги даражаси пастлигининг турли сабабларини кўриб чиққанлар. Масалан, бунинг энг кўп тарқалган сабаблардан бири – сиёсий ижтимоийлашув эркаклар ва аёлларни турли вазибаларга, сиёсатга ва умуман актив фаолиятга турлича муносабатда бўлишга йўналтириши. Сиёсат аёлларнинг ҳаётий кучларини сарфлаш учун ноқулай соҳа ҳисобланади.

Сиёсатда иштирок этишнинг таркибий омиллари, яъни жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ омиллари ажратиб кўрсатилади. Улар орасида эркак ва аёллар сиёсатда фойдаланиши мумкин бўлган ресурсларнинг нотекис тақсимланиши ажратиб кўрсатилади. Гендер сиёсати туфайли белгиланган таълим, даромад даражаси, иш тажрибасидаги тенгсизлик сиёсатга кадрлар олинадиган жамият қатламларида аёлларнинг кам бўлишига олиб келади, шу боис уларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари анча кам. Аёллар сиёсатга кўпинча таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидан келадилар, шу боис улар эркакларга қараганда камроқ сиёсий тажрибага эга бўладилар. Бироқ, сўнгги йилларда вазият ўзгармоқда, бой сиёсий тажрибага эга ҳуқуқшунос ва тадбиркор аёллар кўпайиб бормоқда.

Шунингдек, вазият ва таржимаи ҳолга оид омиллар кўриб чиқилган. Улар ҳозирги жамиятда аёллар ҳаётий йўлининг хусусиятлари билан боғлиқ. Аёлларнинг аксарияти ҳамон уй хўжалигининг юритилиши ва болалар тарбияси учун масъулдирлар, шу боис улар сиёсий фаолият учун етарли вақт ёки қувватга эга эмаслар. Аёллар сиёсатга одатда эркакларга қараганда каттароқ ёшда кириб келишлари, «аёллардан иборат сиёсий элита» орасида эса ёлғиз, ажрашган, бева ёки фарзандсиз одамлар учраши бежиз эмас (муаллиф таъкиди).

Бошқа нуқтаи назарларни бирлаштирувчи назария, яъни институционал ёндашув назарияси ҳам мавжуд бўлиб, Е. В. Кудряшова, Н. Н. Кукаренко каби россиялик тадқиқотчилар уларнинг вакиллари дидир. Институционал

¹⁷ Кочкина Е. В., Воронина О. А. Гендерный подход в изучении политики и права // Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований» / Под. ред. О. И. Ворониной. – М.: МЦГИ, 2001

ёндашувда сиёсий соҳада аёллар ва эркеклар вакиллигининг сонидаги фарқ таркибий, вазият билан боғлиқ ва маданий омиллар билан изоҳланади. Бундан ташқари, институционал ёндашувда сиёсий соҳа аёлларга эмас, балки кўпроқ эркекларга нисбатан толерант (бағрикенг) эканлигига эътибор қаратилади, бу эса сиёсатда иштирок этиш имконияти учун тўсиқлар, масалан, сиёсатдаги аёлларга қарши қоидалар ёки хурофот кўринишида намоён бўлади¹⁸.

Институционал концепциядан фарқли равишда биологик концепция сиёсатда аёллар вакилларининг камлигини аёлларнинг ўзлари табиатан уй юмушлари ва «тинчроқ» машғулот билан шуғулланишга мойиллиги сабабли уларда сиёсат билан шуғулланишни истамаслик ва бунга қизиқмаслик билан изоҳланади.

Шу билан бирга, аёлларнинг аҳволи сўнги 40 йил ичида катта ўзгаришларга учради ва юқорида айтилган гаплар уларнинг ҳозирги ҳолатига мос келмайдиган жамиятлар ҳам мавжуд. Скандинавия ана шундай минтақа ҳисобланади. Скандинавияда нафақат аёлнинг мавқеи, балки унга жамият ва давлатнинг муносабати ҳам ўзгарди. Ҳозирги вақтда у ерда патриархат тизими бузилгани (70–80-йилларда шундай эди, деб ҳисобланарди) ҳамда аёллар учун қулай шароитлар яратиладиган жамият (woman-friendly society)¹⁹ шаклланаётгани ҳақида сўз юритиш мумкин.

Ушбу бобда дунёдаги вазиятни таҳлил қилиш асосида ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан сиёсатда гендер тенгсизлиги муаммосига қизиқиш ортиб бориши билан, бугун аёлларнинг нафақат айрим давлатларда, балки дунё даражасида, жумладан халқаро ташкилотлар фаолияти доирасида раҳбарлик лавозимларида фаоллашиб бораётгани кузатилмоқда.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида мазкур халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ҳамда гендер тенглиги масаласи БМТ томонидан 2015 йил сентябрда илгари сурилган Барқарор ривожланиш концепцияси талаблари нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Тадқиқотда «Барқарорлик» концепцияси ҳозирги замон сиёсий фанида глобал муаммоларни ҳал қилишнинг энг мақбул омилларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутиши аниқланди.

Тарихга назар ташланадиган бўлса, Атроф муҳит ва тараққиёт бўйича халқаро комиссия (МКОСР) томонидан «Бизнинг умумий келажак» (1987 й.) маърузасининг эълон қилиниши «глобал барқарорлик» назарияси ишлаб чиқилишидаги муҳим босқич бўлди.

«Барқарор ривожланиш» ғояси унинг тарафдорлари томонидан ижтимоий-иқтисодий, технологик, экологик каби турли жиҳатлари бўйича кўриб чиқилган. Айрим муаллифлар бошқа жиҳатларни, яъни ахлоқий, сиёсий ва бошқа принципларни ҳам таҳлил қилиш эҳтиёжига эътибор қарата бошладилар.

¹⁸ Кудряшова Е. В., Кукаренко Н. Н. Политическое участие женщин в Архангельской области // Гендерная реконструкция политических систем. – СПб., 2004

¹⁹ Raauum N. The Political Representation of Women: A Bird's Eye View // Karvonen L., Selle P. Women in Nordic Politics. – Dartmouth, 1995. – P. 25-26.

XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб БМТ ўзининг концептуал ёндашувини қайта кўриб чиқди ҳамда эндиликда барқарор ривожланиш концепциясининг ўрнини инсонга йўналтирилган инсон тараққиёти парадигмаси эгаллай бошлади. Шундай қилиб, янги парадигма – барқарор инсоний тараққиёт концепцияси – юзага келди.

Инсон тараққиёти концепцияси 1990 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт дастури (ПРООН) доирасида инсон ривожланиши ҳақида дунё маърузаларини тайёрлаш ташаббуси билан чиққан Маҳбуб ул-Ҳакнинг қарашларидан келиб чиқади²⁰.

Гендер тенглиги барқарор инсон тараққиёти кўрсаткичида салмоқли омилдир. М. Хемати ва Р. Гардинер ўзларининг «Гендер ва барқарор тараққиёт» асарида гендер талабларига асосланган сиёсатсиз иқтисодий фаровонликка эришиб бўлмаслиги, чунки мутлақ қашшоқликда яшаётган дунё аҳолисининг 70 % ини аёллар ташкил қилиши ҳақидаги хулосадан келиб чиқадилар²¹. Ижтимоий тенглик жинслар тенглигини ҳам қамраб олади ҳамда тинч ва фаровон ҳамжамиятлар барпо этилишига имкон яратади.

Статистик маълумотларга қараганда, соғлиқни сақлаш, таълим олиш даражаси, овқатланиш сифати, сиёсий иштирок ва ҳуқуқ маданияти кўрсаткичлари бўйича аёллар эркаклардан анча ортда қолишмоқда. Ушбу вазиятни ўзгартириш учун халқаро ҳамжамият томонидан ҳозирги кунгача ишлаб чиқилган воситалар орасида аёллар ҳуқуқлари, уларнинг ресурслардан фойдалана олиши, ривожланишининг молиялаштирилиши кабилар мавжуд.

Бинобарин, эволюцион ва мантиқий жиҳатдан олганда гендер ёндашуви нуқтаи назаридан ўрганиш объектини сиёсий соҳа ташкил этмоқда, чунки фуқаролик жамияти асосларини яратмасдан, ривожланган демократик институтлар «одамлар ривожланиши, одамлар томонидан ривожлантириш ва одамлар учун ривожланиш» принципи бажарилишига ёрдам бермасдан туриб ҳар бир инсоннинг баркамол ривожланишига эришиб бўлмайди. Яъни аёлларга ҳар бир давлатда, умуман дунёда сиёсатнинг муҳим субъекти сифатида қараш уларнинг муаммоларини ҳал қилишда жиддий омил ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Гендер тенглигини таъминлашнинг институционал ва шартномавий ривожланиши эволюцияси**» деб номланган бўлиб, у аёллар муаммоларини, шунингдек гендер тенглигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишга, гендер тенглигини илгари суриш бўйича ихтисослашган халқаро ташкилотлар ва аёллар ташкилотларининг ҳозирги замон тизими шаклланишини кўриб чиқишга бағишланган.

Ҳозирги вақтда аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро институционал тизимга, шубҳасиз, ниҳоятда хилма-хил масалаларни кун тартибига қўювчи ва ҳал қилувчи универсал ташкилот бўлмиш Бирлашган

²⁰ Верякина В. Динамика развития человеческого потенциала и приоритеты высшего образования // Высшее образование в России. – М., 2005. – № 2. – С. 29-37.

²¹ Хематти М., Гардинер Р. Гендер и устойчивое развитие // Серия специальных докладов Фонда Генриха Белля, посвященных Всемирному саммиту по устойчивому развитию.

Миллатлар Ташкилоти (БМТ) бошчилик қилмоқда. БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизлик, халқаро ҳаётнинг барча йўналишлари, жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, гендер тенглигини қарор топтириш муаммоларини ҳал этади. БМТ Низомида белгиланганидек, «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эркаклар ва аёлларга нисбатан уларнинг ҳар қандай шароитда ва тенг шароитларда унинг асосий ва ёрдамчи органларида иштирок этишига ҳеч қандай чекловлар қўймайди»²².

БМТнинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан у ёки бу даражада шуғулланувчи биринчи тоифадаги органларига, шубҳасиз, БМТнинг асосий органлари бўлмиш Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, ЭКОСОС, Васийлик бўйича кенгаш; Халқаро Суд ва Котибиятни киритиш мумкин бўлиб, улар ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларини, жумладан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадилар. Шунингдек, ихтисослашган муассасалардан (ВОЗ, МОТ, ИМО, ЮНЕСКО, ВОИС ҳамда МДФЖ (Халқаро аёллар демократик федерацияси), Халқаро аёллар кенгаши, Халқаро ҳуқуқшунос касбига эга аёллар федерацияси, Аёлларнинг халқаро уюшмаси сингари бутун дунёда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ҳимоя қилиш бўйича дастурнинг амалга оширилишига кўмаклашувчи бошқа халқаро ноҳукумат ташкилотлар киради.

Таъкидлаш лозимки, ЭКОСОСда Аёллар аҳволи бўйича комиссия таъсис этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги масала бўйича кенгашга сиёсий, иқтисодий, фуқаролик, ижтимоий соҳаларда тавсия ва маърузалар тайёрлаб беришдан иборат. 2017 йилдан эътиборан ЭКОСОСнинг раиси Мари Хатардова хонимдир.

Аёлларни қўллаб-қувватлашда БМТнинг Аёллар манфаатлари йўлида ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) муҳим ўрин тутди. У БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ишловчи доимий ва мустақил орган сифатида аёллар ривожланиши ҳамда бутун дунёда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш соҳасидаги лойиҳаларга бевосита ёрдам беради.

БМТнинг гендер тенглиги ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича БМТ сингари махсус муассасаси (“БМТ-Аёллар”) ҳам аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласида муайян ҳиссасини қўшмоқда. 2013 йил июль ойидан бошлаб ушбу тузилмага Жанубий Африка Республикаси давлат ва сиёсат арбоби Фумзиле Мламбо-Нгкука хоним бошчилик қилмоқда. У парламентда, савдо ҳамда саноат ишлари бўйича вазирликларда турли раҳбар лавозимларни эгаллаган, санъат, маданият, фан ва технологиялар ишлари бўйича вазир вазифасини бажарган. 2008 йилга қадар ҳаттоки мамлакатнинг вице-президенти ҳам бўлган²³. Бу эса аёллар муаммоларини цивилизацияон йўл билан тушуниш ва ҳал этишда ўзини намон қилди.

²² Статъя 8 Устава Организации Объединенных Наций от 26 июня 1945 г. // Хакимов Р.Т. Узбекистан и Организация Объединенных Наций. – Т.: Узбекистон, 1995. – С. 79.

²³ https://ru.wikipedia.org/wiki/Мламбо-Нгкука,_Фумзиле // www.unwomen.org/ru/about-us/directorate/executive-director/ed-bio

Масалан, 2013 йил охирида «БМТ-Аёллар» тузилмаси конституциявий маълумотлар базасини ишга туширди. Унга кўра, БМТга аъзо ва кузатувчи мақомидаги 195 та давлатнинг конституциялари гендер тенглиги нуқтаи назаридан ўрганилиб, баҳоланмоқда. 2014 йилда актриса Эмма Уотсон «БМТ-Аёллар» биринчи кўнгилли элчисиси бўлди. У хаттоки эркакларни ҳам гендер тенглигини ҳимоя қилишга чақирувчи «HeForShe» кампаниясини бошлади. 2014 йил ноябрь ойида «БМТ-Аёллар» биринчи эркак кўнгилли элчиси Жанубий Осиёдаги ҳинд актёри, кинорежиссёри, киносценаристи, кўшиқчи Фархан Ахтар бўлди²⁴.

Кўп нарсани билим белгилашини инобатга олиб, «БМТ-Аёллар» қошида Аёллар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот институти (МУНИУЖ) ташкил қилинди. Таъкидлаш лозимки, институт 1999 йилдан бошлаб ишлаш жараёнида ривожланиш соҳасида аёллар ва эркакларнинг ролига таъсир этувчи энг муҳим гендер муаммолар ва тамойиллар ҳақида билим ва ахборот яратиш, ташкиллаштириш ва тарқатиш учун янги ахборот технологияларидан фойдаланмоқда. Жамоатчиликнинг гендер масалаларидан хабардорлигини ошириш мақсадида Ахборот-тармоқ тизими орқали эса (ГАИНС) институт ҳатто «Аёллар ва эркаклар», «Гендер тенглиги мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйиш», «Ахборот жамиятида аёллар ва эркаклар», «Глобаллашувнинг аёлларга таъсири», «Гендер масалалари ва тинчлик» каби стратегик йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширмоқда²⁵.

Аёллар муаммоларини ҳал қилишда кўп нарса институционал тизим мавжудлиги билан ҳам боғлиқ. Жумладан, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро даражада ҳимоя қилиш ишида халқаро битимлар асосида таъсис этиладиган конвенцион органлар катта роль ўйнайди. Ана шундай органлардан бири 1979 йилги Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг амалга оширилишини таҳлил қилиш учун таъсис этилган Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича кўмита (CEDAW-КЛДЖ)дир. Шартнома иштирокчиларига айланган мамлакатлар (иштирокчи давлатлар) Кўмитага мунтазам равишда тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ҳақида маърузалар тақдим этиб боришлари шарт. Кўмита ўзининг сессиялари вақтида ҳар бир иштирокчи давлатнинг маърузаларини кўриб чиқади ҳамда якуний таклифлар сифатида ўз мулоҳаза ва тавсияларини баён этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон КЛДЖга олти даврий маъруза тақдим этди²⁶.

Гендер тенглигини тадқиқ этишда INSTRAW – БМТ ҳузуридаги аёллар бўйича халқаро тадқиқотлар ва таълим институти алоҳида қизиқиш уйғотади.

²⁴ <http://constitutions.unwomen.org>

²⁵ Международный учебный и научно-исследовательский институт по улучшению положения женщин (МУНИУЖ). Общие сведения // <http://www.un.org/ru/women/instraw/>. – 2014. – 18 март.

²⁶ <http://uzbekistan.lv/v-zheneve-zasluslan-ocherednoj-doklad-uzbekistana-po-likvidacii-vsex-form-diskriminacii-v-otnoshenii-zhenshin/>

Таъкидлаш лозимки, бу – БМТ тизимига кирмайдиган мустақил институт. У ўз ишида 1975 – Халқаро аёллар йилида Мексикада бўлиб ўтган халқаро конференцияда илгари сурилган ғоядан келиб чиқади.

Аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим институт Халқаро меҳнат ташкилотининг Гендер тенглиги масалалари бўйича бюросидир. Маълумки, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг махсус муассасаларига, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотига кирган. Ўзбекистон 2008 йилда мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланишни ман этувчи халқаро ҳужжатларни ратификация қилган. 2019 йил 4 мартда Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормаларини қўллашда кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш ҳақидаги қонун имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, аёлларга ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари, махсус халқаро ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради: Аёллар ва эркаклар тенг меҳнати учун тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги Концепция (1951), Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (1952), Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги Конвенция (1958)²⁷ ва бошқалар. Улар ҳам давлатлар, жумладан Ўзбекистон томонидан эътиборга олинади.

Гендер тенглиги муаммосини ҳал қилишга ҳаракатлар Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) дастури доирасида ҳам амалга оширилаётгани кузатилади. 2012 йилда гендер муаммолари бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишига кўмаклашиш мақсадида ФАО бош директори «ФАОнинг гендер тенглигини таъминлаш бўйича сиёсати: қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришда озиқ-овқат хавфсизлиги мақсадларига эришиш» номли ҳужжатни маъқуллади²⁸.

Аёлларнинг йирик ташкилотларидан бири бўлган Аёлларнинг халқаро демократик федерацияси (МДФЖ) ҳам гендер масалаларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшмоқда. МДФЖ бир йилда тўрт марта чиқадиган «Дунё аёллари» журналининг (инглиз, испан, немис, рус, француз тилларида) ҳамда инглиз, испан, немис ва француз тилларида ахборот бюллетенини нашрдан чиқаради²⁹.

